№ _45750__-сонли

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 йил « 27 » Сентябр Янгириак шахарчаси

Кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритиладиган **Янгиариқ туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи рахбар **А.Ражапов** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"AZIMBOY ASALOY XK"** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи **М.Болтаев** иккинчи томондан, **Хоразм вилояти Янгиариқ туман Шихбоғи махалласида Чиқиндихона мукаммал таъмир ишлари** бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**-қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**-вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **Хоразм вилояти Янгиариқ туман Шихбоғи махалласида Чиқиндихона мукаммал таъмир ишлари** бўйича таъмирлаш ишлари учун кўзда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган холда жорий нархларда **23 000 000** (Йигирма уч милион) сўмни ташкил этади. **ҚҚС – 3 000 000** (Уч милион) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

3.3 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

4.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлик хажмда тақдим қилади.

4.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

5.2 Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.
6.3 Объектни **2022-йил « 27 »** сентябр дан жорий таъмирлаш ишлари бошланиб **2022- йил « 27 »** октябр га фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

7.1 Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
7.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % (фоизи) миқдорида аванс ўтказади, бу **6 900 000** (Олти милион тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.
7.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
7.4 Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
7.5 Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, мехнатга хақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
7.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактураси» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
7.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос бўлади.
7.8 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.
8.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хуқуқига эгадир.
8.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
8.5 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
8.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.7 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
9.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.
9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

10.1 Пудратчи:
- барча ишларни тулиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиклигини кафолатлайди.
Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат иичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш хуқуқига эга.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

11.1 Буюртмачи:
- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.
11.2 Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.
11.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
11.4 Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

12.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик қоидаларига келишилган ишларни бажариш вақтида атроф мухитнинг тозалиги мехнат мухофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни ўз кучлари билан бажарилиши хамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга қадар мазкур шарнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Пудратчи» ўзининг томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофик бўлиши хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз холда бўлган деб топилса «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тўлайди. «Пудратчи» бу шартномада кўрсатилган қурилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиха хужжатлари асосида ишини сифатли бажарган холда топширади.

12.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, қурилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Қурилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблағи беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия оркали қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофик текширади.

12.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш хамда уларнинг хақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар хақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга хақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда қурилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

12.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

12.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун "Хужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги қонунинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

## XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

14.8 Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

14.9 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

14.10 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

15.1.Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

15.2. "Пудратчи" "Буюртмачи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), "Буюртмачи" манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Пудратчи" нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 15. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| «БУЮРТМАЧИ» | «ПУДРАТЧИ» |
|---|---|
| **Янгиариқ туман хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси** | **«_ AZIMBOY ASALOY XK __»** |
| Адрес: *Янгиариқ тумани А.Навоий кўчаси 1-уй* | Адрес: __ Янгиариқ тумани Қормиш қишлоғи __ |
| Тел./факс +998623856765 | Тел./факс +998997065863________ |
| Шх/р: _10002286033233706520011 0008_ | Х/р: __2020 8000 2050 9407 2001__ |
| ИНН: `206 945 594 | ИНН: ___306527177_____ |
| ОКОНХ: 90 290 | МФО: ___00808___________ |
| Молия Вазирлиги ягона ғазна хисоб варағи х/р: 23402000300100001010 МФО: 00 014 Марказий банк Тошкент шахри ХККМ ИНН: 201 122 919 ОКОНХ: | Банк: АТ Халқ банки Ал-Хоразмий Филиали _____ ОКОНХ: ___________ |
| Рахбар: ____________ *А.Ражапов* (Ф.И.Ш) | Рахбар: ____________ _ М.Болтаев._ (Ф.И.Ш) |

…JRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: QI3007086247

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ _TF64763043_

**1.Loyihaning turi:** Pudrat shartnomasi

**2. Loyihaning nomi**: Xorazm viloyati Yangiariq tuman Shixbog'i maxallasida bir dona Chiqindixona qurish ishlari bo'yicha mazkur pudrat shartnomasi.

Loyihada Pudratchi "**AZIMBOY ASALOY**" XK va buyurtmachi Yangiariq tuman hokimligi xuzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasiga, Yangiariq tuman Shixbog'i maxallasida bir dona Chiqindixona qurish ishlari bo'yicha umumiy summasi 23 000 000 so'mlik xizmat ko'rsatish, shuningdek joriy ta'mirlash ishlari 2022-yil 26-sentabr kuni boshlab 2022-yil 26-oktabrga ob'ektni topshirish pudrat shartnomasida ko'rsatib o'tilgan, pudrat shartnomasining amal qilish muddati 31.12.2022 yil qilib belgilangan.

**3. Loyiha va ishlab chiquvchisi va kiritilgan haqida ma'lumot:** Loyiha Yangiariq tuman hokimligi xuzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 26 sentabrda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.**

**Markaz bosh yuriskonsulti** **D.Axmedov**
2022 yil 27 sentabr.

## РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН ХОРЕЗМСКАЯ ОБЛАСТЬ

## ООО «BGM BUNYODBEK»

# Рабочий проект

ЯНГИАРИК ТУМАНИ ШИХБОГИ МАХАЛЛАСИДА
ЧИКИНДИ ХОНА МУКАММАЛ ТАЪМИРИ

**Локально-ресурсная ведомость**
**Ведомость ресурсов**

Директор
«BGM BUNYODBEK» **Менглиев Б.**

Ургенч – 2022г.

# ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА

Сметная документация ЯНГИАРИК ТУМАНИ ШИХБОГИ МАХАЛЛАСИДА ЧИКИНДИ ХОНА МУКАММАЛ ТАЪМИРИ разработана во исполнение постановлений Кабинета Министров от 05.08.2000 г. за № 305 « О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в капитальном строительстве », от 11.06.2003 г. за № 261 « О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений » и в помощь участникаминвестиционного строительного процесса, и всоответствии с инструкцией о составе, порядке разработки, согласования и утверждения проектно-сметной документации на строительство жилых и общественных зданий и сооружений ( ШНК 1.03.01-04 ) и методическими рекомендациями по определению сметной стоимости строительства предприятий, зданий и сооружений в Республике Узбекистан (Ташкент – 1996 г.), общим положением по применению сметных норм и расценок на ремонтно-строительные работы для условий строительства в Республике Узбекистан ( ШНК – 2004-2010 гг. ) и общим положением по применению расценок на монтаж оборудования ( ШНК– 4.13.00-10 ). Сметная документация и цены на материалы считается действительным после подписания с утверждением печатью заказчика.

**Объект расположен в Хорезмской области**

**Ведомость потребных ресурсов в текущих ценах разработан на основании задания на проектирования с применением «Каталога текущих цен на материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан» за 1-квартал 2022г.**

**Среднечасовая заработная плата – 18882,76Сум. (с учетом отчислений в соц. страх – 12%)**

**Транспортно-складские затраты на материалы и конструкции – 4 %**

**Коэффициент риска – 1,00**

**Прочие затраты подрядчика – 15,51%**

**Прочие затраты заказчика – ФАКТ**

**Затраты на страхование строительства объекта – 0,32 %**

РАСЧЕТНАЯ СТОИМОСТЬ ОБЪЕКТА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ.

## ЯНГИАРИК ТУМАНИ ШИХБОГИ МАХАЛЛАСИДА ЧИКИНДИ ХОНА МУКАММАЛ ТАЪМИРИ

| №№ пп | НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ | Цена (тыс.сум) |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 2% | 0,000 |
| 2 | ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 4% | 13 739,249 |
| 3 | ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ (18882,76) | 3 548,825 |
| 4 | ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ (С УЧЕТОМ ЗАРОБОТНОЙ ПЛАТЫ МАШИНИСТОВ) | 5,782 |
| 5 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА - 0% | 0,000 |
| 6 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА -15,51% | 2 682,277 |
| 7 | ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ - 0,32% | 63,924 |
| 8 | ЗАТРАТЫ ДЛЯ УЧЕТА КОЭФФИЦИЕНТА РИСКА, ОПРЕДЕЛЯЕМОГО ИСХОДЯ ИЗ ПРОГНОЗИРУЕМОГО ИНДЕКСА РОСТА ЦЕН В СТРОИТЕЛЬСТВЕ | 1,00 |
| 9 | И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ | 20 040,056 |
| 10 | НДС - 15% | 3 006,008 |
| 11 | И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С УЧЕТОМ НДС | 23 046,064 |
| 12 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА - ФАКТ | 950,000 |
| 13 | ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС И ПРОЧИМИ ЗАТРАТАМИ И РАСХОДАМИ ЗАКАЗЧИКА | 23 996,064 |

ИСПОЛНИТЕЛЬ ____ МП

ЗАКАЗЧИК ____ МП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI URGANCH TUMANI "BGM BUNYODBEK" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI "BGM BUNYODBEK"

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI ... TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH ... BOSHQARMASI

ВЕДОМОСТЬ РЕСУРСОВ
ЯНГИАРИК ТУМАНИ ШИХБОГИ МАХАЛЛАСИДА ЧИКИНДИ ХОНА МУКАММАЛ ТАЪМИРИ

| № | Код ресурса и признак | Шифр | Наименование | Единица измерения | Кол-во | Сметная стоимость, сум | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | в текущем уровне | |
| | | | | | | на ед. изм | общая |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |
| | | | ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ | | | | |
| 1 | 1 | | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 187,939952 | 18882,76 | 3548825,01 |
| | | | **ИТОГО ЗАРПЛАТА СТРОИТЕЛЕЙ** | **СУМ** | | | **3548825,01** |
| | | | СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ | | | | |
| 1 | 403 | С С211-1100 | ВИБРАТОР ГЛУБИННЫЙ | М-ЧАС | 5,348352 | 1081,00 | 5781,57 |
| | | | **ИТОГО ЭКСПЛУАТАЦИИ МАШИН И МЕХАНИЗМЫ** | **СУМ** | | | **5781,57** |
| | | | СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ | | | | |
| 1 | 9902 | С С140-9902 | КИРПИЧ КЕРАМИЧЕСКИЙ ОДИНАРНЫЙ М-75 | 1000ШТ | 4,79104 | 626087,00 | 2999607,86 |
| 2 | 12102 | С С140-12102 | РАСТВОР ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ТЯЖЕЛЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ М-50 | М3 | 2,9184 | 355989,00 | 1038918,30 |
| 3 | 12138 | С С140-12138 | РАСТВОР ОТДЕЛОЧНЫЙ ТЯЖЕЛЫЙ ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫЙ 1:1:6 | М3 | 1,57248 | 437369,00 | 687754,01 |
| 4 | 29922 | С С111-29922 | РЕЙКИ | М | 96 | 4787 | 459513,25 |
| 5 | 30035 | С С111-35 | ПРофНАСТил 0,40 ММ цвЕТНой | М2 | 19,2 | 43100,00 | 827520,00 |
| 6 | 30407 | С С140-30407 | ГВОЗДИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ | Т | 0,0009912 | 8000000,00 | 7929,60 |
| 7 | 30652 | С С111-253 | ИЗВЕСТЬ СТРОИТЕЛЬНАЯ НЕГАШЕНАЯ КОМОВАЯ, СОРТ 1 | Т | 0,01216 | 800000,00 | 9728,00 |
| 8 | 31449 | С С111-31449 | КРАСКИ СУХИЕ ЦЕМЕНТНЫЕ | Т | 0,014784 | 617427,00 | 9128,04 |
| 9 | 45021 | М С140-0003 | БЕТОН ТЯЖЕЛЫЙ, КЛАСС В 7,5 (М100) | М3 | 13,8936 | 440662,00 | 6122381,56 |
| 10 | 45052 | М | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 20-40 ММ | М3 | 14,666 | 64927,00 | 952219,38 |
| 11 | 51619 | С С1620-2001 | ЩИТЫ ИЗ ДОСОК ТОЛЩИНА 25 ММ | М2 | 1,72032 | 55871,00 | 96116,00 |
| | | | **ИТОГО СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ И КОНСТРУКЦИИ** | **СУМ** | | | **13210816** |
| | | | **ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ** | **СУМ** | | | **16765422,58** |

УТВЕРЖДАЮ

_______________

_______________2022 г

**Дефектный Акт**

Мы нижеподписавшиеся главный бухгалтер ______________, гл.инженер ______________. Директор проектный организации Менглиев Б. произвели осмотр здания ЯНГИАРИК ТУМАНИ ШИХБОГИ МАХАЛЛАСИДА ЧИКИНДИ ХОНА МУКАММАЛ ТАЪМИРИ необходимым нижеследующие работы:

| № | Наименование | Единица измерения | Кол-во |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ: ЩЕБЕНОЧНЫХ | 1М3 | 1,6 |
| 2 | УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ БЕТОННЫХ | 100М3 | 0,0384 |
| 3 | КЛАДКА СТЕН КИРПИЧНЫХ НАРУЖНЫХ ПРОСТЫХ: ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М | М3 | 12,16 |
| 4 | УЛУЧШЕНННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ: СТЕН | 100М2 | 0,64 |
| 5 | ИЗВЕСТКОВАЯ ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ | 100М2 | 0,64 |
| 6 | УЛУЧШЕНННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ:ЦОКОЛЯ | 100М2 | 0,192 |
| 7 | ЦЕМЕНТНАЯ ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ | 100М2 | 0,192 |
| 8 | УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА: ИЗ БРУСЬЕВ | 1М3 | 0,1 |
| 9 | РЕЙКИ | М | 96 |
| 10 | ПРофНАСТил 0,40 ММ цвЕТНой | М2 | 19,2 |
| 11 | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ ТОЛЩИНОЙ 12 СМ ПОД ТРОТУАРЫ ИЗ КИРПИЧНОГО ИЛИ ИЗВЕСТНЯКОВОГО ЩЕБНЯ | 100М2 | 0,8 |
| 12 | ПРИ ИЗМЕНЕНИИ ТОЛЩИНЫ ОСНОВАНИЙ НА КАЖДЫЙ 2 СМ ДОБАВЛЯТЬ ИЛИ ИСКЛЮЧАТЬ К НОРМЕ 27-07-002-1 | 100М2 | 0,8 |
| 13 | УСТРОЙСТВО БЕТОННОЙ ПОДГОТОВКИ | 100М3 | 0,08 |
| 14 | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ ТОЛЩИНОЙ 12 СМ ПОД ТРОТУАРЫ ИЗ КИРПИЧНОГО ИЛИ ИЗВЕСТНЯКОВОГО ЩЕБНЯ | 100М2 | 0,18 |
| 15 | ПРИ ИЗМЕНЕНИИ ТОЛЩИНЫ ОСНОВАНИЙ НА КАЖДЫЙ 2 СМ ДОБАВЛЯТЬ ИЛИ ИСКЛЮЧАТЬ К НОРМЕ 27-07-002-1 | 100М2 | 0,18 |
| 16 | УСТРОЙСТВО БЕТОННОЙ ПОДГОТОВКИ | 100М3 | 0,018 |

Главный бухгалтер:

Гл. инженер:

Проект орг:

**Сметная документация оформлена без рабочих чертежей.**

<<СОГЛАСОВАНО>>

«___» ____________ 2022 г.

ПРОТОКОЛ СОГЛОСОВАНИЯ ЦЕН НА МАТЕРИАЛЫ И ОБОРУДОВАНИЕ
ЯНГИАРИК ТУМАНИ ШИХБОГИ МАХАЛЛАСИДА ЧИКИНДИ ХОНА МУКАММАЛ ТАЪМИРИ

| № | Наименование | Единица измерения | Сметная стоимость, сум в текущем уровне на ед. изм |
|---|---|---|---|
| 1 | 4 | 5 | 7 |
| | | | |
| | СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ | | |
| 1 | КИРПИЧ КЕРАМИЧЕСКИЙ ОДИНАРНЫЙ М-75 | 1000ШТ | 626087,00 |
| 2 | РАСТВОР ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ТЯЖЕЛЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ М-50 | М3 | 355989,00 |
| 3 | РАСТВОР ОТДЕЛОЧНЫЙ ТЯЖЕЛЫЙ ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫЙ 1:1:6 | М3 | 437369,00 |
| 4 | РЕЙКИ | М | 4787 |
| 5 | ПРофНАСТил 0,40 ММ цвЕТНой | М2 | 43100,00 |
| 6 | ГВОЗДИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ | Т | 8000000,00 |
| 7 | ИЗВЕСТЬ СТРОИТЕЛЬНАЯ НЕГАШЕНАЯ КОМОВАЯ, СОРТ 1 | Т | 800000,00 |
| 8 | КРАСКИ СУХИЕ ЦЕМЕНТНЫЕ | Т | 617427,00 |
| 9 | БЕТОН ТЯЖЕЛЫЙ, КЛАСС В 7,5 (М100) | М3 | 440662,00 |
| 10 | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 20-40 ММ | М3 | 64927,00 |
| 11 | ЩИТЫ ИЗ ДОСОК ТОЛЩИНА 25 ММ | М2 | 55871,00 |

Составил: Гл. бугалтер: ____________________

Проверил: Гл. инженер: ____________________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Хоразм вилояти

Xorazm viloyati 220100, Urganch shahar, P.Maxmud ko'chasi,46 uy. Tel: +998904387766, E-mail: irada13@inbox.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: Bekchanova Nellya Axatovna
Sana:12-09-2022 yil

**Yig'ma ekspert xulosasi № 61087**

**Obyekt nomi** ««Xorazm viloyati Yangiariq tumani Shixbog'i mahallasida chiqindixona mukammal tamirlash» ishchi loyihasi»

**Buyurtmachi -** Yangiariq tuman obodonlashtirish boshqarmasi. qurish» ishchi
**Bosh loyihachi** - «BGM Bunyodbek» MChJ
**Litsenziya** 10.11.2020 yildagi AL-001467-sonli litsenziya
**Moliyalashtirish manbai** - budjet
**Bosh pudratchi** – tanlov savdolari natijasida
**Qurilish turi** yangi
**Murojaat raqami:** № 58547

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Loyiha topshirig'i;

1.2. Yangiariq tumani hokimining 30.04.2022 yildagi 334-12-179-Q/22-sonli qarori;

1.3. Xorazm viloyati qurilish bosh boshqarmasining 31.08.2022 yildagi 1733-1733233-49553-sonli Arxitektura-rejalashtirish topshirig'i;

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Loyiha tarkibiy bayoniga ko'ra «ishchi loyiha» ning elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyiha hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

3.1. Qurilish maydonining o'ziga xos xususiyatlari.

Tashqi havo harorati - -19 C.

Normativ shamol bosimi – 38kg/m2.

Normativ qor qatlami vazni – 50kg/m2

Yer relyefi tekis.

Tuproqlar cho'kmaydi.

Zilzilabardoshligi - 7-8ball.

Yong'inga qarshiligi - 2 toifa.

Yernining normativ muzlash chuqurligi - 0,68m.

3.2. Bosh reja.

Loyihalashtirilayotgan ob'ekt Xorazm viloyati Yangiariq tumani Shixbog'i mahallasida joylashgan.

Ushbu xududda quyidagilar loyihalashtiriladi: chiqindixona mukammal tamirash

3.3. Asosiy loyihaviy yechimlar.

Loyihalanayotgan chiqindixona xududi to'rtburchak shaklidan iborat bo'lib, rejadagi tarx o'lchamlari 8,0x10,0m.

Konstruktiv yechim.

To'siq devor poydevori - yahlit temir-beton, beton markasi M-100.

To'siq devor - M-75 markali pishgan g'ishtdan bo'lib, M-50 markali tsement qorishmasidan, devor balandligi - 1,0m., qalinligi 380mm.

Hudud va yon atrofi yo'lagi - beton.

3.4. Yong'in xavfsizligi.

Ushbu ishchi loyiha bo'yicha qo'shimcha yong'in xavfsizligi talab qilinmaydi.

3.5. Atrof-muhit muxofazasi.

Yer bilan tegib turgan inshootlar, tuproq va yer osti suvlarining agressivligini xisobga olagan xolda izolyatsiyaga ega.

Ob'ektning joriy narxlardagi narxi R.Uz. qurilish sanoati (Toshkent-2022 yilning 1-choragi) foydalanadigan moddiy-texnik resurslarning joriy narxlari Katalogi, birja bahosi va bozor sharoitlari, baholar kelishish bayonnomasi yordamida resurs usuli bilan aniqlanadi.

Buyurtmachining 26.07.2022 yildagi 213-sonli xatiga ko'ra ob'ektning taxminiy narxini aniqlashda quyidagi narx parametrlari qabul qilingan:

- o'rtacha soatlik ish haqi miqdori - 18882,76 so'm kishi/soat (shu jumladan, ijtimoiy sug'urta bo'yicha chegirmalar - 12%);
- pudratchining boshqa xarajatlari - 15,51%;
- buyurtmachi boshqa xarajatlari - 950,000ming.so'm;
- ob'ektni sug'urta qilish xarajatlari - 0,32%;
- tavakkalchilik koeffitsienti - 1,0.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

Ushbu ishchi loyiha bo'yicha qo'shimcha muhandislik ta'minoti talab qilinmaydi.

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- buyurtmachi bilan;
- Yangiariq tumani qurilish bo'limi;
- SEO va JSH Yangiariq tuman bo'limi;
- Yangiariq tuman favqulotda vaziyatlar bo'limi;
- Yangiariq tumani Shixbog'i MFY;

**6. Ekspertiza natijalari.**

6.1 Shartnoma bo'yicha import tyexnologik uskunalarni sotib olish va yetkazib berish xarajatlari va u bilan bog'liq xarajatlar ekspertizadan o'tkazilmaydi.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy ekspert xulosalarining izohlariga muvofiq ishchi loyihasiga asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

Ekspert tekshiruvi natijalariga ko'ra ob'ektning umumiy qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan 26239,947ming.so'm miqdorida e'lon qilingan ishlar qiymati 2243,882ming.so'mga kamaytirilib, 23996,064ming.so'm qilib belgilandi, shu jumladan:

- qurilish materiallari - 965,134ming.so'm.
- ish xaqi - 553,170ming.so'm.
- mashina va mexanizmlar - 165,514ming.so'm.
- pudratchining boshqa xarajatlari - 261,160ming.so'm.
- ob'ekt sug'urtasi - 6,224ming.so'm.
- QQS - 292,680ming.so'm.

6.4. Yakuniy harajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro hujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.

6.5. Buyurtmachi loyihaviy hujjatlarni tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori 2019 yil 20 sentabrdagi 4464-sonli qaroriga muvofiq buyutmach boshqa harajatlari tarkibiga qurilish qiymatidan 0,05% to'lovi "Shaffof qurilish" MAT hisobiga o'tkazilishi va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan

dastlabki ma'lumotlarning ishonchliligi bo`yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo`yicha) yuklatiladi».

6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 20 maydagi "Kapital qurilish sohasida buyurtmachi xizmati faoliyatini tubdan isloh qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 3-bob 7 p. 9,10,11,12 va 9-bob 4 ustunlarga muvofiq ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflarni bartaraf etilishi va sifatini nazorat qilish (boshlang'ich hujjatlarni to'g'riligini ta'minlashda) mas'uliyati Buyurtmachiga va qabul qilingan loyiha yechimlar, smeta me'yorlariga muvofiqligi mas'uliyati Loyiha muallifiga yuklatilgan.

**7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda «Xorazm viloyati Yangiariq tumani Shixbog'i mahallasida chiqindixona qurish» ishchi loyihasi ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflar inobatga olgan holda, buyurtmachi qabul qilgan ish hajmi va qiymatni belgilovchi parametrlarning chegaraviy harajatlarga quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarga muvofiqligini tasdiqlagan taqdirda ko'rib chiqqan holda tasdiqlash uchun tavsiya etiladi:

| Ko'rsatkichlar nomlanishi | O'lchov birligi | Miqdori | |
|---|---|---|---|
| | | Taqdim etilgan | Tavsiya etilgan |
| Qurilishning QQSsiz joriy narxi | ming.so'm | 21 991,258 | 20 040,056 |
| Qurilishning QQS bilan joriy narxi (15%) | ming.so'm | 25 289,947 | 23 046,064 |
| Buyurtmachi boshqa xarajatlari (fakt.) | ming.so'm | 950,000 | 950,000 |
| Qurilishning QQS va buyurtmachi xarajatlari bilan joriy narxi | ming.so'm | 26 239,947 | 23 996,064 |

7.2. Ko'rsatilgan narx shartnoma tuzish uchun asos emas.

7.3. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli, 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.4. Buyurtmachi ekspertizaning izoxlari bo'yicha tuzatilgan loyiha-smeta xujjatlarini bosh pudratchi tashkilotga o'tkazilishini ta'minlaydi.

**Bosh mutaxassis:** MATYAKUBOV SHIXNAZAR KURAMBAEVICH

